

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc
29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАКАРБАЕВ УЛУҒБЕК АБДУЛАКИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ СУВ ҲАВЗАЛАРИ
МОЛЛЮСКАЛАРИДА (GASTROPODA: PULMONATA) ТРЕМАТОДА
ЦЕРКАРИЯЛАРИНИНГ ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шакарбаев Улуғбек Абдулакимович

Ўзбекистон шимоли-шарқий сув хавзалари моллюскаларида
(Gastropoda: Pulmonata) трематода церкарияларининг фаунаси ва
экологияси 3

Шакарбаев Улуғбек Абдулакимович

Фауна и экология церкарий трематод моллюсков (Gastropoda:
Pulmonata) водоемов северо-восточного Узбекистана 21

Shakarbaev Ulugbek Abdulakimovich

Fauna and ecology of cercariae of trematodes of mollusks
(Gastropoda: Pulmonata) in the reservoirs of northeastern Uzbekistan . 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc
29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАКАРБАЕВ УЛУҒБЕК АБДУЛАКИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ СУВ ҲАВЗАЛАРИ
МОЛЛЮСКАЛАРИДА (GASTROPODA: PULMONATA) ТРЕМАТОДА
ЦЕРКАРИЯЛАРИНИНГ ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/В22 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.flora_fauna.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Акрамова Фируза Джалолиддиновна
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Дадаев Сайдулла
биология фанлари доктори, профессор

Зокиров Исломжон Илҳомжонович
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педогогика университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 29.08.2017.В.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «27» ноябрь куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232 б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 262-79-38, e-mail: info-zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232 б-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2017 йил «14» ноябрь куни тарқатилди.
(2017 йил «14» ноябрдаги 7-рақамли реестр баённомаси)

Д.А. Азимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
в.в.б., б.ф.д., профессор, академик

Г.С. Мирзаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.н.

Э.Б. Шакарбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон миқёсида қишлоқ хўжалиги ҳайвонларига трематодоз касалликларининг салбий таъсири йилдан-йилга ўсиб бормоқда ва катта иқтисодий зарар келтирмоқда. Айниқса, трематода церкариялари билан зарарланиши умуртқали ҳайвонларда ўта хавфли касаликларни келтириб чиқариши билан бир қаторда чорвачиликнинг ривожланиши ва уларнинг маҳсулдорлигининг кескин пасайиб кетиши аниқланган. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалик ва уй ҳайвонларини трематода церкариялари билан зарарланишининг олдини олишнинг самарали усулларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари трематодозларининг олдини олишда бу касалликни келтириб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга асосий бўғиннинг ривожланиш босқичини ўрганишдан ташқари, партеногенетик бўғиннинг – церкарияларнинг ҳайвонларни зарарлаш стратегияларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, церкарияларнинг ташқи муҳитда яшовчанлигини аниқлаш трематода ривожланиш циклини бошқариш ва трематодоз касалликларини бартарф этиш имконини беради. Таъкидлаш лозимки, республикамизнинг деярли барча ҳудудларида кейинги йилларда чорва ҳайвонлари бош сонининг ошиши ва ирригация тизимининг шаклланиши трематодоз касалликларининг ривожланишига олиб келмоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг шимоли-шарқий қисмидаги асосий йирик сув манбаси ҳисобланган Сирдарё дарёси ирмоқларидан турли суғориш иншоатлари ва сунъий сув ҳавзалари яратилиши билан трематодаларнинг оралиқ хўжайини ҳисобланган моллюскалар миқдорининг ортиши ва бошқа қулай муҳитларнинг шаклланиши ушбу ҳудудда трематодоз касалликларининг янада ортишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, Gastropoda синфининг Pulmonata кенжа синфи моллюскаларнинг тур таркиби ва моллюска организмдан ажралиб чиқаётган трематода церкарияларининг ритмларини аниқлаш, трематода церкарияларнинг кўпайиши ва ривожланиши хусусиятлари, ташқи муҳитда церкариялар ҳаётининг асосий босқичлари ва хўжайин билан ўзаро алоқаларини аниқлаш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг айрим трематодоз касалликларига нисбатан самарали қарши кураш чора-тадбирларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга жорий қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач агросанотнинг асосий бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар, муайян натижаларга, жумладан, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини турли паразитар касалликлардан, яъни вояга етган трематодалар келтириб чиқарадиган касалликларни аниқлаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича муҳим натижаларга эришилди. Шу билан бирга, трематода церкарияларининг қишлоқ хўжалиги ҳайвонларига жиддий таъсирини аниқлаш ва церкарияларни бартараф этиш борасидаги тадқиқот ишларини такомиллаштириш зарур. Ўзбекистон Республикасини янада

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги¹ «ветеринария хизматларини яхшилаш ва эпизотик ҳолатнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар» белгилаб берилган. Шу асосда, чорвачилик ҳайвонларда жиддий таъсир этувчи трематодозларни келтириб чиқарувчи церкариялар фаунасини аниқлаш ва церкарияларни тарқалишида оралик хўжайиннинг ўрнини асослашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Церкариялар фаунаси ва таксономиясига оид материаллар бир қатор хориж олимлари ишларида ўз аксини топган. Хусусан, трематода церкарияларининг хўжайинни зарарлашдаги мослашуви бўйича W. Naas (1994); Bayssade-Dufour (2001); қушлар ва сутэмизувчиларнинг шистозомоз касалликлари ва уларнинг олдини олиш Nogak et al. (2002); табиий шароитларда чучук сув моллюскаларининг зарарланиш динамикаси E. Zbikowska, A. Nowak (2009) лар тадқиқотларида келтирилган. МДХ мамлакатларида трематода церкарияларининг морфологияси, биологияси ва экологияси ҳамда церкарияларнинг трематодозлар эпидемиологияси ва эпизоотологиясида тутган ўрни бўйича тадқиқотлар В. Здун (1961); Т. Гинецинская (1968); М. Черногоренко (1983); В. Прокофьев (2006); С. Беэр, М. Воронин (2007); Л. Акимова (2010); С. Семенова (2010); А. Manafov (2011) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида трематода церкарияларини фаунистик жиҳатдан ўрганишга катта эътибор берилган бўлиб, бу ўринда Зарафшон ва Фарғона водийси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида чучук сув моллюскаларни тадқиқ этиш асосида Х. Насимов (1967); Е. Арыстанов (1969); Е. Шахурина, А. Тухманянц (1971); Д. Азимов, Т. Кабилов (1977); Б. Давронов (1999) лар томонидан Trematoda синфининг турли оиласига мансуб 45 га яқин церкария турларини рўйхатга олинганлиги диққатга сазовордир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Юқоридаги маълумотлар Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий сув ҳавзалари моллюскаларида, хусусан қориноёкли моллюскаларидаги трематода церкариялари фаунасининг тур таркибини аниқлаш ва уларга қарши кураш чора-тадбирлари тўғрисида тадқиқотлар олиб борилмаганлигидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмида асосий йирик сув манбаси ҳисобланган Сирдарё дарёси сув ҳавзасидаги трематода церкариялари билан зарарланган *Gastropoda* синфининг *Pulmonata* кенжа синфи моллюскаларининг тур таркибини аниқлаш ва церкарияларнинг трематодозлар эпидемиологияси ва эпизоотологиясида туган ўрнини баҳолаш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Зоология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ-ТО87 “Ўзбекистон биохилма-хиллигининг таркибий қисми – умуртқасиз ҳайвонлар структураси, функцияланиши ва эволюцияси” (2007-2011) ва Ф5-ФА-О-18691 “Ўзбекистон умуртқасиз ҳайвонлар биохилма-хиллиги структураси, функцияланиши ва эволюцияси” (2012-2016) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий чучук сув моллюскаларидаги (*Gastropoda: Pulmonata*) трематодалар церкарияларининг таксономик таркиби ва биоэкологиясини аниқлаш ҳамда ҳайвонлар трематодозларининг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон шимоли-шарқий сув ҳавзаларидаги *Gastropoda* синфининг *Pulmonata* кенжа синфи моллюскалари тур таркибини аниқлаш ҳамда уларнинг трематода партенит ва церкариялари билан зарарланганлигини тадқиқ этиш;

моллюскалар организмидаги церкариялар фаунасини аниқлаш;

айрим моллюскалар зарарланишининг мавсумий динамикаси ва сув ҳавзаси типига боғлиқ ҳолда ўрганиш;

церкариялар эмиссиясининг суткалик ва мавсумий ритмларини ўрганиш ҳамда улар йўналишининг омилларига аниқлик киритиш;

ташқи муҳитда церкариялар ҳаётчанлигини аниқлаш;

Schistosoma turkestanicum трематода партенит ва церкарияларининг моллюска (*Radix auricularia*) организмига таъсирини очиқ бериш;

овладанган ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг айрим трематодоз касалликлари профилактикасини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти трематодаларнинг оралиқ хўжайини – чучук сув моллюскалари ва трематодаларнинг личинкаси – церкариялар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон шимоли-шарқий сув ҳавзаларидаги церкариялар фаунаси, таксономияси, церкарияларнинг ҳайвонларни зарарлаш стратегияси ҳамда трематодозларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Диссертацияда паразитологик, малокологик,

гистологик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг шимоли-шарқидаги сув ҳавзаларидан Lymnaeidae ва Planorbidae оилаларига мансуб 13 турдан иборат чучук сув моллюскаларининг рўйхати тузилган;

моллюскаларнинг турли таксономик гуруҳларга мансуб трематода церкариялари билан умумий зарарланиши Lymnaeidae 10,7% ва Planorbidae 17,8% эканлиги аниқланган;

илк бор Ўзбекистоннинг шимоли-шарқидаги чучук сув моллюскаларида 2 та кенжа синф, 10 та туркум, 12 та оила, 20 та авлодга мансуб 25 та тур трематода церкариялари фаунаси аниқланган, шулардан, Ўзбекистон фаунаси учун 1 тур (*Cyclocoelum* sp.) ва ўрганилган ҳудуд учун 8 та авлодга мансуб 10 та тур трематода церкарияси қайд этилган;

Ўзбекистоннинг шимоли-шарқида *Calicophoron erschowi* ва *Schistosoma turkestanicum* трематодаларининг биологик цикли аниқланган;

церкария популяцияларнинг эмиссия ритмлари, ташқи муҳитда церкариялар ҳаётининг асосий босқичлари, хўжайин билан ўзаро алоқалари очиб берилган;

илк бор церкарияларнинг хўжайин-умуртқалилар ҳайвонларни зарарлаш стратегиясининг асосий типлари очиб берилган;

Radix auricularia моллюскаси организмига *Schistosoma turkestanicum* трематода личинкаларининг таъсири асосланган;

умуртқали ҳайвонларнинг айрим трематодоз касалликлари билан зарарланишида ўз вақтида ҳимоя қилиш ва унга қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги ҳайвонларнинг ориентбильгарциоз паразитар касалликларни профилактикасига доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ва шу асосда трематодоз касалликларига қарши самарали бўлган азинокс ва дронцит препаратлари касалликларни даволашда қўлланилган;

ветеринария амалиёти учун чорва ҳайвонларини фасциолёз, шистосомоз ва парамфистомоз касалликларидан ҳимоя қилиш ва уларга қарши курашиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ қилинган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган замонавий паразитологик, малокологик, гистологик услубларни қўлланилганлиги, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, морфометрик маълумотларнинг Biostat 3.8 (USA, www.biostatsoft.com) дастури ёрдамида статистик таҳлил қилинганлиги, ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий ҳудуди учун илк бор трематода церкариялари тур таркибининг аниқланганлиги, моллюска организмига трематода партенит ва церкарияларнинг таъсирини асосланганлиги, трематодалар церкариялари томонидан хўжайин-умуртқали ҳайвонлар зарарланишининг асосий стратегияларининг очиб берилганлиги,

Calicophoron erschowi va *Schistosoma turkestanicum* трематода турларининг ҳаётий даврларига муҳит омилларининг таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамизнинг худудларида церкарияларнинг фаунасини ҳолатини баҳолаш, церкариялар трематодозлари эпидемиологияси ва эпизоотологиясини мониторинг қилиш ва уларга қарши профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий худуда церкариялар фаунасини тадқиқ қилишда олинган илмий натижалар асосида:

йирик ва майда шоҳли ҳайвонларнинг ориентбильгарциоз паразитар касаллигини даволаш ва профилактикасига доир амалий тавсиялар ишлаб чиқишга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 2 феввалидаги 02/12-46-сон маълумотномаси). Натижалар чорва молларда ориентбильгарциоз касаллигини 85,7 – 100% гача бартараф этиш ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш имконини берган;

церкарияларнинг хўжайин-ҳайвонларни зарарлаш стратегиясининг асосий типлари бўйича маълумотлар ветеринария амалиётига жорий этилган (Давлат ветеринария кўмитасининг 2017 йил 2 ноябрдаги 02/13-388-сон маълумотномаси). Натижалар чорва ҳайвонларини фасциолёз, шистосомоз (ориентбильгарциоз) ва парамфистомозлар касалликларидан ҳимоя қилиш ва уларга қарши курашиш имконини берган.

Gastropoda синфининг Pulmonata кенжа синфига мансуб 13 та турга мансуб 600 га яқин моллюска намуналари республикада етакчи бўлган “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (ЎЗР ФА 2017 йил 2 ноябрдаги 4/1255-2327-сон маълумотномаси). Натижалар моллюскалар ва моллюска организмидан ажралиб чиқаётган церкарияларининг тур хилма-хиллигини ҳамда трематода церкарияларнинг кўпайиши ва ривожланиши хусусиятларини ўрганиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, шунингдек, 1 та монография ва 2 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Моллюскалар - трематодаларнинг оралиқ хўжайини”** сифатидаги маълумотлар келтирилган бўлиб унда трематода ва моллюска ўртасидаги ўзаро мустақкам алоқа мавжудлиги изоҳланган. Трематодаларнинг оралиқ хўжайини - чучук сув моллюскалари бўйича турли табиий минтақаларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган ва келтирилган адабиётлар шарҳи шундан далолат берадики, Ўзбекистон ҳудудларида трематода церкарияларини ва оралиқ хўжайини вазифасини бажарувчи чучук сув моллюскаларни тадқиқ этиш бир хилда эмас ва нисбатан етарлича ўрганилмаган, жумладан, Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий сув ҳавзаларида бу масала умуман ўрганилмаган. Бу эса яна бир бор Ўзбекистоннинг ўзига хос йирик регионда сув моллюскаларидан ажралиб чиқадиган трематода церкарияларининг фауна ва экологиясини ўрганишнинг долзарблилигини кўрсатади.

Ушбу бобнинг биринчи қисмида **Тадқиқот материаллари ва услублари** келтирилган.

Материаллар 2010-2017 йиллар давомида Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий ҳудудидаги (Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари) Сирдарё дарёсининг 40 дан ортиқ сув ҳавзаларидан йиғилди. (расм - 1.1). Моллюскалар стандарт гидробиологик усуллар бўйича йиғилди (Жадин, 1952; Круглов, 2005).

Lymnaeidae ва Planorbidae оилаларига мансуб моллюскаларнинг трематода церкариялари билан зарарланганлигини ижобий фототаксис асосида ёки гепатопанкреас безининг компрессияси асосида аниқланди.

Церкариялар устида морфологик тадқиқотлар ананавий методлар бўйича амалга оширилди (Гинецинская, Добровольский, 1963; Гинецинская, 1968; Combes et al., 1980; Галактионов, Добровольский, 1987). Аниқланган барча трематода церкариялари фотосуратлари олинди ва чизилди. Церкария турларини аниқлаш турли монографиялар ва маълумотлар асосида олиб борилди (Гинецинская, 1968; Фролова, 1975; Азимов, 1975, 1986; Азимов ва б., 2014; Combes et al., 1980; Черногоренко, 1983; Беэр, Воронин, 2007; Mukherjee, 2007).

Гистологик тадқиқотлар учун *Schistosoma turkestanicum* Skrjabin, 1963 трематода личинкаси билан табиий ҳолда зарарланган 22 нусхада ва зарарланмаган 12 нусхадаги *Radix auricularia* моллюскаларидан фойдаланилди. Гепатопанкреатик безларни моллюскалардан кесиб олиб, 10% ли нейтрал формалин ва 70% ли этил спиртида фиксация қилинди. Гистологик кесиш Ван Гизон ва Маллори бўйича (Ромейс, 1953; Волкова, Елецкий, 1971; Меркулов,

1969) бажарилда ва гематоксилин-эозинда бўялди. Барча статистик ҳисоблар учун Windows Statistica v. 6.0. 2013 дастурий пакети ва маълумотлар таҳлили учун Microsoft Excel 2007 дастурларидан фойдаланилди.

Тадқиқот ишлари замонавий жиҳозларда: фаза-контраст қурилмали микроскоп, СК2-TR (Olympus, Japan), LOMO тадқиқот микроскопи, совутувчи центрифуга - TR7 (Dupont, USA), биноккуляр - ML - 2200 (Olympus, Japan) дан фойдаланилган ҳолда олиб борилди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон шимоли-шарқий чучук сув моллюскаларидаги трематода церкарияларининг фаунаси”** деб номланган иккинчи бобида ўрганилган ҳудудлардаги сув ҳавзалари фаунасидаги чучук сув моллюскалари турларининг хилма-хиллиги, доминант турларнинг экологияси, турли типдаги сув ҳавзалари моллюскаларининг трематода церкариялари билан табиий зарарланиши, трематода церкарияларининг замонавий фаунаси ва уларнинг таҳлили асосида олинган асосий натижалар келтирилган.


Биринчи бўлимда моллюска турларининг хилма-хиллиги ва доминант турларнинг экологияси келтирилган. Ўрганилган ҳудудлардаги сув ҳавзалари фаунасидаги Lymnaeidae ва Planorbidae оилаларига мансуб 13 тури учради ва уларнинг тарқалиши бир хилда эмаслиги аниқланган. Қирғоқ бўйи ўсимликлари ва сув ўтлари яхши ривожланганлиги сабабли турларнинг аксарияти Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кенг тарқалган, қисман Жиззах вилоятига тегишли сув ҳавзаларида учраши келтирилган.

Ўзбекистон шимоли-шарқий сув ҳавзаларида *Radix auricularia* – кулоқсимон моллюскалари кенг тарқалган. У барча типдаги сув ҳавзаларида, ҳатто шўр кўллардаям учрайди. Айрим жойларда популяциянинг зичлиги 1 м² да 300 тани ташкил этиши кузатилди (Шакарбаев и др., 2013).

Ушбу бобнинг иккинчи бўлимида турли типдаги сув ҳавзалари моллюскаларининг трематода церкариялари билан табиий зарарланиши келтирилган.

Сирдарё дарёсининг ўрта оқими сув ҳавзаларидаги умумий моллюскалардан 11 тури трематода церкариялари билан зарарланиши кузатилди. Сўрувчилар личинкалари билан моллюскаларнинг умумий зарарланиши 9.1 % ни ташкил этди. Lymnaeidae оиласи моллюскаларининг айрим турларининг зарарланиши 1.7 % дан 28.4 % гача етди. Энг юқори зарарланиш *R. auricularia* турида 28.4 % ни ва энг кам миқдорда зарарланиш эса *G. palustris* турида - 1.7 % ни ташкил этди (Shakarbaev, Akramova, 2015).

Planorbidae оиласининг зарарланиш даражаси бўйича Lymnaeidae оиласидан кейинги ўринда туради. Ўрганилган сув ҳавзаларда трематода личинкалари билан зарарланиш экстенсивлиги 10.8 – 24.8 % гача ўзгариб туради. Ушбу оила моллюскаларининг орасида *Pl. planorbis* тури 24.8 %, *Planorbis sieversi* моллюскаси 10.8 % зарарланишни ташкил этган бўлса, *Planorbis tangitarenis* моллюскасида зарарланиш кузатилмади (1-расм).




1-расм. Ўзбекистон шимоли-шарқидаги моллюскаларнинг турли оилалар трематода церкариялари билан зарарланганлик нисбати

Ўрганилган ҳудуд сув ҳавзалар типига боғлиқ ҳолда лимнеидларнинг зарарланганлик кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, 0.2% дан 8.5% гача ўзгариб туради. Максимал экстенсивлик даражаси Туябўғиз сув омбори биотоплари (0.6 – 8.5 %) ва Айдар-Арнасой кўллар тизимида (0.3 – 7.1 %) аниқланди. Сирдарё, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари сув ҳавзаларидаги моллюскаларнинг умумий зарарланиш даражаси бирмунча пастроқ (0.2 – 4.8 %).

Умуман олганда, ўрганилган ҳудуд сув ҳавзаларида чучук сув моллюскаларининг трематода церкариялари билан зарарланиши анча юқори бўлиб, «трематода-моллюска» тизимининг стабиллигини ва қишлоқ хўжалиги ва овладиган ҳайвон ҳамда инсон трематодозлари ўчоғининг шаклланишини тавсифлайди (Шакарбаев, 2014).

Учинчи бўлимда Ўзбекистон шимоли-шарқидаги сув ҳавзалари трематода церкарияларининг ҳозирги фаунаси 25 турдан иборатлиги аниқланди (2-расм).

Церкариялар жами турларининг миқдоридан ўрганилган сув ҳавзаларида *R. auricularia* биринчи ўрини эгаллайди. Унда церкарияларнинг 13 тури рўйхатга олинган бўлиб, улардан 10 таси қушлар трематодалари личинкаларидир. Иккинчи ўринни эса қулоқсимон моллюска (*Pl. planorbis*) эгаллайди. Жами 11 тур трематода церкария аниқланган бўлиб, шулардан 7 тури қушлар трематодаларидир. Навбатдаги ўрини *L. stagnalis* эгаллайди ва ушбу моллюскада церкарияларнинг 10 тури паразитлик қилиб, шундан 8 тури қушлар трематодаларига мансуб (2-расм) (Шакарбаев, Акрамова, 2014).



2-расм. Лymnaeidae ва Planorbidae оиласи моллюскалари церкарияларининг тур хилма-хиллиги

Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий худуди чучук сув хавзаларида церкариялар фаунаси ўзига хос хилма-хил бўлиб, “трематода-моллюскалар” системаси турғун характерга эга эканлигидан дарак беради.

Церкарияларнинг барча ҳаётий функциялари хўжайин организми билан алоқанинг таъминланишига ва уни зарарлашга хизмат қилади. Ўрганилган церкариялар гуруҳларининг бу йўналишдаги муҳим мосланишларини церкарияларнинг бутунлай хўжайин организмига фаол кириб олиши ва пассив ўтиши каби мосланишларга ажратилади.

Диссертациянинг “**Церкариялар биологияси ва трематодалар ҳаётий циклининг хусусиятлари**” деб номланган учинчи бобида церкарияларнинг морфофункционал ва биологик хусусиятлари трематодалар ҳаётий цикларининг хусусиятлари ва циркуляция йўллари бағишланган.

Церкариялар – трематодаларнинг эркин яшовчи личинкалари бўлиб, морфологик белгиларининг жуда хилма-хиллиги билан характерланади. Церкарияларнинг ҳаётий функциялари уларнинг иккинчи оралик ёки асосий хўжайин организмига киришга йўналтирилган (Гинецинская, 1968). Бу ва бошқа вазифалар церкарияларнинг хўжайинни танлашга бўлган мослашувлари орқали амалга ошади. Бу йўналишдаги муҳим мослашувлар қаторига суткалик эмиссия, таксислар, церкарияларнинг ҳаракатланиш характери ва уларнинг ташқи муҳитдаги ҳаётининг давомийлиги ва б. киради.




Экспериментал шароитда церкарияларнинг эмиссия ритмлари ва фото- ва геореакцияларнинг даврийлиги 3 оилага мансуб (*Bilharziellidae*, *Schistosomatidae*, *Diplostomidae*) бир қатор трематода – *Trichobilharzia ocellata*, *Schistosoma turkestanicum*, *Diplostomum spathaceum* личинкалари мисолида ўрганилган (Акрамова, Шакарбаев, 2012; Шакарбаев ва б., 2017).

Radix auricularia моллюскасидан ажралиб чиққан *Schistosoma turkestanicum* церкарияси ижобий фото- ва салбий геотаксисга эга. Моллюскадан церкариянинг фаол чиқиши сутканинг тонгги ва кундузги соатларида рўй беради. Ёруғликнинг кучайиши ва ҳароратнинг ошиши хўжайин-моллюскадаги церкария эмиссиясининг жадал равишда содир бўлишига имкон яратади. Бир моллюскадан суткасига 25-30⁰С ҳароратда 7000 атрофида церкария ажралади. Бунда личинкаларнинг фаол чиқиши кундузги 12-18 соатлар оралиғида бўлиб, бунда церкарияларнинг умумий сони 4500-6000 та нусхани ташкил этди. Кечки соатларда церкария эмиссияси тўхташи кузатилди (3а - расм).

Radix auricularia моллюскасидан ажралиб чиққан *Trichobilharzia ocellata* (La Valette, 1854) церкарияси ижобий фото- ва салбий геотаксисга эга. Личинкалар хўжайин-моллюскадан чиққанидан кейин анча фаоллашади. Бунда уларнинг ҳаракати шистосомид типда амалга ошади. Церкариялар тиним даври сув юзаси қобиғида жамланиши, ҳамда, осилган ҳолатда бўлиши билан характерланади. Сувда сузувчи қушларнинг пайдо бўлиши билан, улар хўжайин танасига фаол ёпишиб тез орада тери қоплами орқали қон томирларига кириб боради.

L. stagnalis моллюскасидаги *T. ocellata* церкариясининг эмиссияси 25-30⁰С ҳароратда жадаллик билан содир бўлди. Суткасига моллюскалардан ажралиб чиққан церкарияларнинг ўртача сони 9000 та нусхани ташкил этди. Тонгги

соатларда 50-315 та, кундузги соатларда – 1200-2500 та, кечки соатларда эса 112-1308 та нусхадан иборат (3б - расм).




3-расм. Церкариялар эмиссияси:
а-*Schistosoma turkestanicum*
церкариясининг *Radix auricularia*
моллюска организмидан чиқишининг
суткалик ритми; б- *Trichobilharzia*
ocellata* церкариясининг *Lymnaea
***stagnalis* моллюска организмидан**
чиқишининг суткалик ритми;
в- *Diplostomum spathaceum*
церкариясининг *Lymnaea stagnalis*
моллюска организмидан чиқишининг
суткалик ритми

Diplostomum spathaceum (Rudolphi, 1919) церкария эмиссиясининг *Lymnaea stagnalis* хўжайин-моллюскадан чиқиши ҳам суткалик ритм характериға эға (Шакарбаев ва б., 2017).

Церкариялар ижобий фото- ва салбий геотаксисға эға. Моллюскалардан церкарияларнинг ажралиб чиқиши сутканинг тонгги ва кундузги соатларида юз беради. Бир дона зарарланган моллюскадан суткасиға 5 мингтағача церкария ажратади. Тунги соатларда эса церкарияларнинг чиқиши тўхтади (3в - расм).

Церкариялар тарихий ривожланиш йўлида бир қатор мослашувларни, яъни улар - иккинчи оралиқ ёки асосий хўжайин биологик хусусиятлариға мослашув йўлларини ишлаб чиқиши билан изоҳланади.

Тадқиқотларимиз натижалари ҳамда Ўзбекистоннинг ўрганилган сув ҳавзаларидаги церкариялар фаунасининг миқдорий таркиби бўйича адабиёт маълумотларининг таҳлили 5 тип жамоанинг ажратилишиға имкон беради: а) балиқларни зарарловчи церкариялар; б) амфибияларни зарарловчи церкариялар; в) кушларни зарарловчи церкариялар; г) сут эмизувчиларни зарарловчи церкариялар; д) умуртқали ҳайвонларни аралаш типда зарарловчи церкариялар (4-расм).



4-расм. Ўзбекистон шимоли-шарқий сув ҳавзалари трематода церкарияларининг хўжайин билан биоценодик алоқалари

Хўжайин-моллюскадан ажралиб чиққан церкариялар доимий ҳаракатда бўлиб, улар ташқи муҳитда фото-, гео- ва хемореакцияларга асосан мўлжал олади. Бу эса церкарияларнинг дисперсиясига сабаб бўлади ва уларнинг концентрациясини хўжайин мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳудуда таъминлаб туради.

Церкарияларнинг турли хил сув ҳавзаларида тақсимланиши бир текисда эмаслиги аниқланди. Уларнинг хилма-хиллиги ва миқдори қайир сув ҳавзаларида, кўрфазларда, шунингдек, секин оқувчи ҳавзаларда оралик хўжайин ҳисобланган – моллюскалар кенг тарқалган ҳудудларда кузатилади.

Бобнинг “Трематодалар ҳаётий цикларининг хусусиятлари” бўлимида *Calicophoron erschowi* ва *Schistosoma turkestanicum* трематодаларининг биологиясига бағишланган. Экспериментал шароитда *Calicophoron erschowi* Davydova, 1959 трематодасининг биологик цикли амалга оширилган. Паразитнинг барча фазалари батафсил аниқланган ва расмийлаштирилган (Акрамова, Гаипова ва б., 2017).

Schistosoma turkestanicum Skrjabin, 1913 трематодаси ҳаёт циклида асосий хўжайин сифатида сут эмизувчилар ва *Radix* авлоди моллюскалари оралик хўжайин ролини бажариши аниқланган (Азимов ва б., 2014). Бу тур бўйича олинган маълумотлар асосида ҳаммуаллифликдаги «Ориентобилгарции –

трематоды млекопитающих» (Ташкент, 2014. –С. 224) монографиясида умумлаштирилган. Унда Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий ҳудудидаги турли биогеоценозларда олиб борилган кенг дала ва тажриба тадқиқотларига асосланган ҳолдаги *Sch. turkestanicum* нинг барча ривожланиш босқичларининг биологик хусусиятлари келтирилган (6-расм).

Бобнинг учинчи қисмида трематодаларнинг циркуляция йўллари бўлимида шахсий ва адабиёт маълумотлари асосида аниқланган. Трематодалар циркуляциянинг 8 хил йўли аниқланди:

1. Моллюска □ церкария □ ташқи муҳитда цистага айланиш □ сут эмизувчилар: *Fasciola hepatica*, *F. gigantica*, *Calicophoron calicophorum*, *C. erschowi*, *Liorchis scotiae*, *Gastrothylax crumenifer*.

2. Моллюска → церкария → моллюска ёки ҳашарот, балиқ, амфибий → кушлар: *Echinostoma revolutum*, *Echinoparyphium aconiatum*, *Ech. recurvatum*, *Hypoderaeum conoideum*.

3. Моллюска → церкария → балиқ → кушлар: *Diplostomum spathaceum*, *D. helveticum*, *Strigea falconis*, *Apatemon gracilis*.

4. Моллюска → церкария → балиқлар: *Sanguinicola inermis*.

5. Моллюска → церкария → кушлар: *Bilharziella polonica*, *Trichobilharzia ocellata*.

6. Моллюска □ церкария □ сут эмизувчилар: *Schistosoma turkestanicum*.

7. Моллюска → церкария → моллюска → кушлар: *Cyclocoelum* sp.


8. Моллюска → церкария → ҳашарот ёки қисқичбақасимон → сувда ва курукликда яшовчилар: *Skrjabinoeces similis*, *Opisthioglypae ranae*.

Диссертациянинг **“Церкарияларнинг морфологик ва таксономик тавсифи”** деб номланган тўртинчи бобида церкариялар систематикаси келтирилган. Тадқиқотларимиз давомида аниқланган Amphistomata, Gimnocephala, Monostomata, Echinostomata, Xiphidiocercaria, Cercariaea ва Furcocercaria гуруҳ церкарияларининг морфологияси батафсил ёритилган.

Диссертациянинг **“Трематода личинкаларининг хўжайин-моллюска организмга таъсири”** деб номланган бешинчи бобида тадқиқот *Schistosoma turkestanicum* мисолида келтирилган. *Schistosoma turkestanicum* Skrjabin, 1913 трематодаси личинкалари паразитлик қилувчи *Radix auricularia* моллюскаларининг гепатопанкреас гистоструктураси сезиларли даражада ўзгариши кузатилди. Гепатопанкреас безнинг (жигар) таранглиги йўқолган, ғовак бўлиб қолади, оналик ва қизлик спороцистлар ўсиши ҳисобига ҳажми катталашади. Моллюска жигар паренхимасининг кўнғир тусдаги фонида қаймоқ рангли спороцистлар яққол сезилиши кўрсатилган. Партенит ва церкариялар билан зарарланган моллюска гепатопанкреаси кулранг-сарғиш ёки оқимтир-яшил рангда бўлиши кузатилган.

Гистологик тадқиқотлар кўрсатишича, барча препаратларда (кесмаларда) партенит ва церкариялар, асосан, гепатопанкреас безининг бириктирувчи тўқимасида жамланган. Паразитларнинг патоген таъсири бириктирувчи тўқима ва ацинусларга механик таъсир кўринишида намоён бўлади. Юқори интенсив зарарланишда лакунар бўшлиқлар ва қон томирлари эзилган ҳолда акс этди.

Бунинг оқибатида бириктирувчи тўқиманинг ҳужайравий элементларидаги фибрилляр структураларда ҳамда асосий моддада дегенератив ва некротик ўзгаришлар кузатилди. Бириктирувчи тўқиманинг бошқа толали структуралари ҳам деструкцияга учрайди. Ацинараро бўшлиқда шунингдек, ретикуляр толаларнинг ҳам емирилиши кузатилди. Юқори даражадаги зарарланишда гепатопанкреаснинг сезиларли даражада катталашуви кузатилди. Ацинусларнинг кўп қисми емирилган ва шунинг ҳисобига ацинуслар сони анча қисқарган (5-расм).




5-расм. *Radix auricularia* гепатопанкреасининг микроструктураси (назорат): 1 - ацинус, 2 - ацинараро тўсик; объектив 10, окуляр 10

Гепатопанкреас безининг марказий қисмида жамланган паразитлар томонидан ацинуслар периферия – четга томон сиқилиб, сурилиб борган. Ва, қоида бўйича, ацинусларнинг кўп қисми деструкцияга учраган.

Гепатопанкреаснинг ҳужайраларида автолизис кузатилади. Жигар ҳужайраларида дегенератив ва некротик жараёнлар (пикноз, кариорексис, кариолизис) кечиши аниқланди.

Ўрганилган трематодалар партенит ва церкарияларининг зарарловчи таъсири гепатопанкреас беzi тўқималарининг механик тарзда емирилиши ҳамда моллюскалар организмни паразитлар метаболизми маҳсулотлари билан заҳарланишига олиб келиши кузатилган (5-расм).



6-расм. *Schistosoma turkestanicum* личинкалари томонидан зарарланган *Radix auricularia* гепатопанкреасининг микроструктураси: 1 - кариолизис, 2 - кариорексис, 3 - пикноз; объектив 40, окуляр 10

ХУЛОСАЛАР

«Ўзбекистон шимоли-шарқий сув ҳавзалари моллюскаларида (Gastropoda: Pulmonata) трематода церкарияларининг фаунаси ва экологияси» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Кузатилган ҳудудлар сув ҳавзаларидаги трематодаларнинг оралик хўжайини – чучук сув моллюскаларининг тарқалиши бир хилда эмас. 13 тур моллюскадан 11 таси трематода личинкалари билан зарарланганлиги аниқланди.

2. Lymnaeidae оиласи моллюскалари трематода церкариялари билан умумий зарарланиш 10.7 % ни ташкил этди. Lymnaeidae оиласи айрим турларининг зарарланганлик даражаси 1.7 дан 28.4 % гача ўзгариб турди. Planorbidae оиласи моллюскалари трематода личинкалари билан зарарланиш экстенсивлиги 10.8 – 24.8 % атрофида бўлиб, юқори зарарланиш *Planorbis planorbis* – 24.8 % моллюскасида кузатилди.

3. Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмида Lymnaeidae ва Planorbidae оилаларига мансуб моллюскаларда трематода церкарияларнинг 2 кенжа синф, 10 туркум, 12 оила, 20 авлодга мансуб 25 тури аниқланди.

4. Ўрганилган сув ҳавзаларидаги чучук сув моллюскаларининг трематода церкариялари билан зарарланиши анча юқори бўлиб, маълум бир мавсумийликка эга бўлган «трематода-моллюска» тизими мустаҳкамлигини ҳамда умуртқали хўжайин-ҳайвонлар популяциясининг тегишли трематода

турлари билан зарарланиш ўчоқларини юзага келтириш имконини беради.

5. Церкариялар морфо-функционал, биологик ва хулқий мосланишларнинг мураккаб комплексига эга бўлиб, личинкалар учун тегишли хўжайинларни (иккинчи ва асосий ҳисобланган) муваффақиятли зарарлашни таъминлайди. Церкарияларнинг потенциал хўжайин билан алоқасини таъминлаш нуқтаи назаридан ўта муҳим бўлган комплексларига уларнинг ташқи муҳитга чиқиш динамикаси ва махсус хулқий реакцияларини киритиш мумкин.

6. Зарарланган моллюскаларда церкариялар эмиссияси ўзига хос жараён бўлиб, унда суткалик ритм ва мавсумий ўзгаришлар фарқланади. Эмиссиянинг суткалик динамикаси асосан, абиотик омилларга, яъни ҳарорат ва ёруғлик билан бошқарилиб туради.

7. Церкариялар хўжайин-моллюска организмидан ажралиб чиқиб, макон ва замонда фото-, гео- ва хемореакциялар асосида мўлжал олиб, доимо ҳаракатда бўлади. Бу эса церкариялар дисперсиясини амалга ошириб, хўжайин қаерда бўлиши мумкинлигига қараб (“хўжайин макони”) уларнинг жамланишини таъминлайди.

8. Церкариялар стратегияси бир қанча усуллар: церкариялар адолескарийларга айланиб, субстратларда қобиқдан чиқиши; церкариялар моллюскаларга ёки бошқа сув ҳайвонларига кириб, метацеркарияларга айланиши; церкариялар хўжайин тери қопламалари орқали уларнинг қон томирлари аъзосига фаол кириб олиши орқали амалга ошади.

9. Ўрганилган церкариялар ичида қишлоқ хўжалиги ва овладиган ҳайвонлар ҳамда инсон учун патоген турлар гуруҳлари аниқланган бўлиб, улар кўзгатувчи касалликлар ветеринария ва тиббиёт учун долзарб муаммони келтириб чиқаради.

10. Трематодалар ҳаётий даврида сут эмизувчилар паразити – *Calicophoron erschowi* ва *Schistosoma turkestanicum* бўйича янги маълумотлар олинди.

11. Ўзбекистон биогеоценозларида трематода циркуляцияси комплексининг 8 та йўли аниқланди.

12. *Schistosoma turkestanicum* личинкалари билан зарарланган *Radix auricularia* органларининг гистологик тадқиқотлари моллюскалар гепатопанкреатик беши ва гонадасига жиддий структуравий ва функционал ўзгаришларни кўрсатди.

13. Тадқиқот натижалари асосида ветеринария амалиёти учун агросаноат комплекси чорвачилик тармоқларини ривожлантирувчи ва мамалакатимизнинг экологик хавфсизлигини таъминловчи қишлоқ хўжалиги ва овладиган ҳайвонлар паразитар касалликлари профилактикаси методлари ишлаб чиқилди ва тадбиқ этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 29.08.2017.В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ИНСТИТУТ ЗООЛОГИИ

ШАКАРБАЕВ УЛУГБЕК АБДУЛАКИМОВИЧ

**ФАУНА И ЭКОЛОГИЯ ЦЕРКАРИЙ ТРЕМАТОД МОЛЛЮСКОВ
(GASTROPODA: PULMONATA) ВОДОЁМОВ СЕВЕРО-ВОСТОЧНОГО
УЗБЕКИСТАНА**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD.B22

Диссертация выполнена в Институте Зоологии Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.flora-fauna.uz и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный консультант: **Акрамова Фируза Джалалидиновна**
доктор биологических наук

Официальные оппоненты: **Дадаев Сайдулла**
доктор биологических наук, профессор

Зокиров Исломжон Илхомжонович
кандидат биологических наук

Ведущая организация: **Ташкентский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится «27» ноябрь 2017 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 29.08.2017.B.52.01 при Институте Зоологии и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Богишамол, дом 232 б. Актовый зал Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: info-zoology@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Зоологии (зарегистрировано за № 4). Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Богишамол, дом 232 б. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Автореферат диссертации разослан «14» ноября 2017 года.
(реестр протокола рассылки № 5 от «14» ноября 2017 года)

Д.А. Азимов
Вр.и.о. Председателя научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор, академик

Г.С. Мирзаева
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

Э.Б. Шакарбоев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день по всему миру год за годом усиливается отрицательное влияние трематодозных заболеваний сельскохозяйственных животных, приносящих большой экономический ущерб. Особенно выявлено, что заражение церкариями трематод приводит к очень опасным заболеваниям позвоночных животных, а также резкому снижению развития животноводства и их продуктивности. В связи с этим, разработка и усовершенствование эффективных методов профилактики заражения церкариями трематод сельскохозяйственных и домашних животных имеет важное значение.

В мире для профилактики трематодозов сельскохозяйственных животных, кроме изучения этапов развития основного звена, имеющего важное значение в возникновении данного заболевания, особое внимание уделяется обоснованию партеногенетического звена - стратегиям заражения животных церкариями. В частности, определение выживаемости церкарий во внешней среде, регулирование цикла развития трематод приводит к предотвращению трематодозных заболеваний. Следует отметить, что в последние годы почти во всех регионах нашей республики увеличение поголовья скота и формирование системы ирригации, приводят к развитию трематодозных заболеваний. Особенно, причиной увеличения трематодозных заболеваний в северо-восточной части страны является увеличение численности моллюсков – промежуточных хозяев трематод и формирование других благоприятных условий в результате создания различных орошаемых систем и искусственных водоемов в притоках Сырдарьи, являющейся основным водисточником. Соответственно, определение видового состава моллюсков подкласса Pulmonata класса Gastropoda и определение ритма вышедших из организма моллюска церкарий трематод, определение особенностей размножения и развития церкарий трематод, определение основных этапов жизни церкарий во внешней среде и взаимоотношения с хозяином, усовершенствование эффективных методов борьбы против некоторых трематодозных заболеваний сельскохозяйственных животных и внедрение их в практику имеет важное научно практическое значение.

С обретением независимости нашей республики, особое внимание уделяется развитию сельскохозяйственного производства, являющегося основным звеном агропромышленности. На основе программных мер, осуществленных в данном направлении, достигнуты значительные результаты, в том числе, по выявлению различных паразитарных заболеваний сельскохозяйственных животных, то есть заболеваний, вызываемых зрелыми трематодами, а также разработке мероприятий по их профилактике. Вместе с тем, определение серьезных влияний церкарий трематод на сельскохозяйственные животные и усовершенствование исследовательских работ по предотвращению церкарий считается неотемлимой задачей сегодняшнего дня. В Стратегии действий по дальнейшему развитию

Республики Узбекистан¹ особо отмечены «системные мероприятия по обеспечению стабильности эпизоотического состояния и улучшению ветеринарной службы». На основании этого, научно-исследовательские работы, направленные на определение фауны церкарий, вызывающих трематодозы, значительно влияющие на сельскохозяйственных животных и обоснование роли промежуточного хозяина в распространении церкарий имеют важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан «О ветеринарии», Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-842 «О дополнительных мерах по усилению стимулирования увеличения поголовья скота в личных подсобных, дехканских и фермерских хозяйствах и расширению производства животноводческой продукции» от 21 апреля 2008 года и других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики: Данная диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

